
Ахборот хизмати: ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ШУҲРАТ ҒАНИЕВ ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Бугун, жорий йилнинг 23 июн куни вилоят ҳокимлиги қароргоҳида Фарғона вилояти ҳокими Шуҳрат Ғаниев Хитой Халқ Республикасининг Шанхи провинциясидан «Шанхи Зҳонгя Буилдинг Материал Со. Лтд.» компанияси директори Гуан Кайбао раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Вилоят ҳокими 29 декабр куни ХХР нинг Шанхи провинциясида расмий сафарда бўлган эди. Вилоят ҳокими ўз сўзида делегация аъзоларига Шанхида Фарғона делегациясини илиқ кутиб олганликлари учун миннатдорчилик билдирди.

Учрашув давомида мазкур компания Бешариқ туманида ташкил этган “Фарғона Ясин” Қурилиш моллари цемент ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий сармоя иштирокидаги корхонанинг бугунги кундаги қурилиш ишларини тез фурсатларда сифатли қилиб тугатиш ва цемент, гипс каби қурилиш маҳсулотларини маҳаллий бозорга ва экспортга чиқариш муҳимлиги айтиб отилди.

Шунингдек, мазкур компаниянинг салоҳияти ва тажрибасини инобатга олган ҳолда Сўх туманида комир конларини органиш ва қазиб чиқариш бўйича ҳамкорлик қилиш таклиф этилди ва мазкур ёналишда ҳамкорлик меморандуми имзолашга келишиб олинди. Вилоят ҳокимлиги томонидан Сўх туманида мавжуд кўмир конлари ва уларнинг захираси бўйича батафсил маълумот тақдим этилиши айтиб отилди.

- Биз айна дамда Фарғонага аллақачон инвестиция киритганмиз. Ҳозир Бешариқда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи завод қуряпмиз. Бизга Ўзбекистон қонунлари, инвесторлар учун яратилган шароит ва аҳоли жуда маъқул, биз жуда мамнунмиз. Шунинг учун Фарғонага яна инвестиция киритмоқчимиз, агар яна яхши обект бўлса, кейинг лойиҳаларимизни амалга оширишга киришмоқчимиз. Иккинчи лойиҳамиз бўйича Фарғона шаҳрида меҳмонхона, супермаркет, турар-жой каби комплекс қурмоқчимиз – дейди компания президенти жаноб Гван.

Эслатиб ўтамиз, ушбу компания ХХРнинг Шанхи провинциясида озининг замонавий меҳмонхоналар тармоғига ҳамда меҳмонхоналарни бошқаришда катта тажрибага эга. Компанияга Фарғона ва Маргилон шаҳарларида меҳмонхоналар қуриш таклиф этилди.

2019-06-23 15:23:33